2016 ЙИЛ 27 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 265 (13.328)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН – ҚИРҒИЗИСТОН:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев 24 декабрь куни амалий ташриф билан Самарқандга келди.

Ўзбек ва қирғиз халқлари азалдан яқин қўшни сифатида тинч-тотув, аҳил-иноқ яшаб келган. Халқларимиз тарихи, маданий ва диний қадриятлари муштарак, анъана ва урф-одатлари ўхшаш.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги анъанавий ҳамкорлик янгича мазмун касб этди. Кейинги пайтларда ўзаро алоқалар сезиларли равишда фаоллашди. Давлат раҳбарларининг телефон орқали мулоқотлари, ҳукуматлар ва ҳудудлар даражасида делегациялар ташрифи амалга оширилди. Мамлакатларимиз жамоатчилиги Андижон ва Ўш шаҳарларига делегацияларнинг ўзаро ташрифини мамнуният билан қабул қилди.

Икки мамлакат вакиллари Ўзбекистонда ўтган сайловда ва Қирғизистондаги референдумда кузатувчи сифатида иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев Ҳазрати Хизр мажмуига ташриф буюриб, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди ва унинг ёркин хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар. Ислом Каримов руҳи покига Қуръон тиловат қилинди.

Президентлар "JV MAN Auto-Uzbekistan" Ўзбекистон – Германия қўшма корхонасига ташриф буюрдилар.

Олий мартабали меҳмон қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти ва бу ерда яратилган шароитлар билан танишди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон жаҳонда автомобиль ишлаб чиқарувчи етакчи давлатлар қаторига қўшилди. Бугун Ўзбекистон автосаноати маҳсулотларига кўпгина мамлакатларда, жумладан, Қирғизистонда ҳам талаб юқори.

"JV MAN Auto-Uzbekistan" қўшма корхонасининг ташкил этилиши мамлакатимизда автомобилсозликни ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди.

Бу ерда 15 тоннадан 50 тоннагача юк кўтариш қувватига эга замонавий юк машиналари, жумладан, автокранлар, изометрик фургонлар, сув ташиш машиналари, комбинацияланган йўл машиналари, канал тозалаш машиналари, бетон қоргич, пахта ва чиқинди ташиш машиналари ишлаб чиқарилмоқда.

Завод ҳудудида ташкил қилинган тайёрлов ва малака ошириш марказида юк автомобилларига техник хизмат кўрсатадиган механик ва чилангарлар ўқитилмоқда. Корхонада хавфсиз ва самарали бошқариш бўйича махсус "MAN ProfiDrive" дастури асосида оғир юк кўтарадиган машиналар ҳайдовчилари тайёрланмоқда. Ҳайдовчиларни ушбу тизим асосида ўқитиш ёқилғининг 20-30 фоизини тежаш, ҳаракатлантирувчи қисмлар ва трансмиссия элементларининг хизмат муддатини узайтириш, автомобилни хавфсиз бошқариш имконини беради.

Қирғизистон Республикаси Президенти замонавий стандартларга мувофиқ энг сўнгги технологиялар билан жиҳозланган ва мамлакатимиз автомобиль саноатининг муваффақиятини намоён этадиган ушбу корхона фаолиятини юқори баҳолади.

Олий мартабали меҳмон завод ҳудудида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий енгил автомобиллар, юк машиналари, трактор ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникалари билан танишди.

Форумлар мажмуаси саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев ўртасида музокара бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев Алмазбек Атамбоевга Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиргани учун миннатдорлик изҳор этди. Ислом Каримовнинг ёркин хотирасига ҳурмат бажо келтиргани Ўзбекистон халқига бўлган юксак ҳурмат ифодасидир.

Алмазбек Атамбоевнинг ташрифи Қирғизистон Ўзбекистон билан муносабатларни кенгайтиришга муҳим аҳамият бераётганидан далолат экани қайд этилди.

Қирғизистон Президенти Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ишончли ғалаба қозонгани билан яна бир бор табриклади.

Президентлар сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш ва иқтисодий муносабатларни кенгайтириш масалаларини муҳокама этиб, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик қатор муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Шунингдек, томонлар минтақада хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорлик масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масаласини муҳокама этиш чоғида ушбу жафокаш заминда тинчлик ва осойишталикка эришиш бутун минтақамизда хавфсизликни таъминлаш, истиқболли транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш, иқтисодиётни янада тараққий эттириш учун муҳим омил ҳисобланиши таъкидланди.

Давлат раҳбарлари яқин қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва уни сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойитиш зарурлигини таъкидладилар.

Томонлар Ўзбекистон ва Қирғизистон ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида 2016-2017 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури янги шаклдаги сиёсий мулоқотни йўлга қўйишга хизмат қилишига ишонч билдирдилар.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик давлатлараро муносабатларнинг муҳим соҳаси ҳисобланади.

Ушбу масалалар муҳокамасида 2016 йилнинг ўтган даврида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 23 фоиз ўсганига қарамасдан, бу кўрсаткич етарли даражада эмаслиги ва икки мамлакатнинг мавжуд имкониятларига мос келмаслиги қайд этилди.

Президентлар икки йил давомида товарлар турини тубдан кенгайтириш ва ўзаро савдо ҳажмини 500 миллион долларгача кўпайтириш чораларини кўриш зарурлигини таъкидладилар.

Шавкат Мирзиёев бунинг учун Қирғизистонга Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари, енгил ва юк автомобиллари, автобусларни тизимли асосда етказиб бериш ва уларга техник хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш лозимлигини таъкидлади.

Бундан ташқари, қирғизистонлик шерикларга азот, фосфор, калий ва мураккаб комплекс ўғитлар, электротехника маҳсулотлари – трансформаторлар, барча турдаги кабель-ўтказгич маҳсулотлар, маиший техника, шунингдек, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, қурилиш материаллари, препаратлар, мебель, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа саноат маҳсулотлари етказиб бериш таклиф этилди.

Қирғизистон томони, ўз навбатида, Ўзбекистонга етказиб берилаётган товарлар турини қайта кўриб чиқиши таъкидланди.

Шу мақсадда икки мамлакатнинг тегишли тузилмалари ўртасида тўғридан-тўғри узоқ муддатли ҳамкорлик ўрнатиш зарурлиги қайд этилди.

Минтақада самарали транспорт йўлларини ривожлантириш иқтисодий ҳамкорликнинг стратегик йўналиши ҳисобланади. Масалан, Марказий Осиёни Қирғизистон ҳудуди орқали Хитой билан боғлайдиган қисқа темир йўл нафақат мамлакатларимиз, балки бутун минтақанинг транзит салоҳиятини сезиларли равишда ошириш имконини беради.

Ўзбекистон мутахассислари Қирғизистон ҳудудида бундай йўналишни лойиҳалаштириш ва қуришда иштирок этишга тайёр.

Давлат чегараларини делимитация қилиш бўйича музокаралар жараёнини тезлаштириш ва яқин вақтда бу борадаги давлатлараро шартномани имзолаш тўғрисида келишувга эришилди.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик ўзаро муносабатларнинг муҳим соҳаларидан биридир.

Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоев музокаралар давомида эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги саҳифаларини очишига ишонч билдирдилар.

А.САМАДОВ,
А.ЎРОЗОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

2016 йил 23 декабрь куни халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд азалдан дунёга машҳур экани, бугун бу қадимий замин халқимизнинг улуғ фарзанди, мустақиллигимиз асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримов туғилиб ўсган ва мангу ором топган жой сифатида ҳар биримиз учун янада қадрдон масканга айланганини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида Самарқанд ўзининг ривожланган саноати ва қишлоқ хўжалиги, табиий бойликлари, улкан сайёҳлик салоҳияти билан мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида муҳим ўринга эга бўлди.

Вилоят иқтисодиёти 2010 йилдан буён 1,7 баробар ўсди, деди Президентимиз. Ялпи ҳудудий маҳсулотда саноатнинг улуши 2011 йилда 18 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йил якунида бу кўрсаткич қарийб 24 фоизга етиши кутилмоқда.

Бугунги кунда жаҳондаги энг юксак стандартлар асосида жиҳозланган Самарқанд автомобиль заводида ўнлаб турдаги машиналар ишлаб чиқарилмоқда. Кейинги беш йилда вилоятда 100 дан ортиқ янги қўшма ва хорижий корхоналар ташкил этилиб, айни пайтда уларнинг сони 259 тага етди. Ушбу корхоналарда йилига 2,5 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланмоқда.

Самарқанд вилоятининг иқтисодий ривожи унинг экспорт салоҳиятида ҳам намоён бўлаётир. Жорий йилда ҳудудий экспорт миқдори 393 миллион долларга етди.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда. Мазкур соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 78 фоиздан ошгани ва меҳнат билан банд аҳолининг 84 фоиздан зиёди шу соҳада фаолият кўрсатаётгани эътиборга лойиқ.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги беш йилда 16 минг гектардан зиёд пахта майдонлари қисқартирилиб, мева-сабзавот ва полиз экинлари экилмоқда. Юртимизда мавжуд интенсив боғларнинг 7500 гектардан ортиғи ёки 43 фоизи Самарқанд вилоятида ташкил этилган, деди давлатимиз раҳбари.

Сессияда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш, истиқболли янги саноат объектлари барпо этиш, ижтимоий инфратузилмани янада яхшилаш борасидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди. Енгил саноат соҳасида туманларда пахтани қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, шу орқали ҳудудлар экспорт салоҳиятини юксалтириш лозимлиги таъкидланди. Ургут туманининг ресурс базасидан самарали фойдаланиш, саноат ва экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш, инвестиция ва илғор технологияларни жалб қилиш мақсадида "Ургут" эркин индустриал зонаси ташкил этилмоқда.

Президентимиз вилоятда туризмни янада ривожлантириш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратди. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва шу ҳужжат асосида ишлаб чиқилган дастурда Самарқанднинг бу борадаги салоҳияти ва туристик потенциалини ошириш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар белгиланган.

Вилоят қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни изчил давом эттириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. 2017 йилда 4400 гектар пахта майдонини қисқартириш эвазига мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлашга мўлжалланган корхоналар ташкил этиш, лалми ерларга жаҳон бозорида талаб юқори бўлган экспортбоп экинлар экиш, тоғолди ҳудудларда доривор ўсимликлар етиштириш, чорвачиликни ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йилнинг мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилингани муносабати билан бу борада маҳаллий ҳокимлик ва бошқарув органлари олдида турган вазифаларга алоҳида эътибор қаратди. Раҳбарларнинг халқ ичига кириб, аҳоли билан самимий мулоқот қилиши, уларнинг дарду ташвишларини тинглаб, муаммоларга ечим топиши халқимизнинг давлатдан рози бўлиши ва турмуши фаровонлигига хизмат қилиши таъкидланди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тавсиясига биноан Самарқанд вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Ҳиммат Оқбўтаев Самарқанд вилояти ҳокими этиб сайланди.

= "Зарафшон" ва "Самаркандский вестник" газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири Ф.Тошев, Каттақўрғон туманидаги "Пайшанба" шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Қ.Аҳмедов, меҳнат фахрийси З.Зиёев ва бошқалар Президентимиз нутқида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган долзарб вазифаларни муваффақиятли адо этиш йўлида вилоят аҳли астойдил меҳнат қилади ва кўзланган марраларга албатта эришади, деб таъкидлади.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

"ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ" БОЛАЖОНЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШАДИ

Янги йил арафасида жойларга етказиладиган ўқув анжомлари, турли ширинликлардан иборат "Президент совғалари" кичкинтойлар учун унутилмас туҳфадир.



Бу йил ҳам Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Sen yolg"iz emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан ушбу байрамни юксак савияда ўтказиш учун қизғин ҳозирлик кўрилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари ўғил-қизлари, "SOS – болалар маҳаллалари" тарбияланувчилари, ота-она қарамоғидан маҳрум болалар учун Президентимизнинг Янги йил совғалари етказилмоқда.

Фарзандларимиз бахту камоли йўлида кўрсатилаётган улкан ғамхўрликлар уларни жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар этиб улғайтириш, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётир. Айниқса, жисмоний имконияти чекланган болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум болалар давлатимизнинг доимий ғамхўрлиги ва эътиборидадир.

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, маданият ва санъат саройларида Янги йил байрами тадбирларига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

– Ҳар йили Янги йил арафасида "Президент арчаси" шодиёналари тинчсоийишта кунларимиз, осмонимиз мусаффолигию, истиқлол неъматларига шукроналик туйғулари билан уйғун бўлади, – дейди Халқ таълими вазирлигининг ахборот хизмати раҳбари Баҳриддин Шайвалиев. – Болалар учун беғубор орзу-умидлар байрамига айланган ушбу тантаналар давомида Президентимиз совғалари кичкинтойларнинг қувончига қувонч қўшади. Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан тақдим этиладиган 12 номдаги ўқув қуроллари ва 15 номдаги ширинликлардан иборат бўлган совғалар тайёрланди. Президент совғалари Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларига автотранспортда, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларга "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпаниясининг самолётлари орқали жорий йилнинг 25-28 декабрь кунлари жадвал асосида етказиб берилмоқда.

Совғалар 29 декабрдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда ташкил этиладиган "Президент арчаси" тадбирларида кичкинтойларга тантанали равишда топширилади.

А.ҚИЁСОВА,
ЎзА мухбири

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

2016 йил 25 декабрь куни халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Навоий вилояти ҳақида гап кетганда, аввало, унинг меҳнаткаш халқи, ер ости ва ер усти бойликлари, улкан салоҳияти кўз олдимизда намоён бўлади, деди Президентимиз. Мамлакатимизнинг йирик саноат ҳудуди ҳисобланган ушбу вилоятда кончилик, металлургия, кимё, энергетика, қурилиш материаллари, озиқ-овқат саноати изчил ривожланмоқда.

Жорий йилнинг тўққиз ойида ялпи ҳудудий маҳсулот қарийб 7 миллиард 440 миллион сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 5,9 фоизга ошди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 4,2 фоиз, истеъмол товарлари 14,8 фоиз, қишлоқ хўжалиги 6,7 фоиз, қурилиш ишлари 11,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 15 фоиз, жами кўрсатилган хизматлар 15,5 фоизга ўсиши таъминланди.

Вилоятда ҳудудий корхоналар томонидан жами 43 миллион долларлик маҳсулот ва хизматлар экспорти амалга оширилди. Маҳаллийлаштириш дастури асосида 17 корхонада 57 лойиҳа бўйича тайёр маҳсулот ҳамда материаллар, бутловчи қисм ва деталлар ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, 9 ойда 47 миллиард 600 миллион сўмлик маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Ҳозирги кунда вилоятда 17 йирик саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Навоий кон-металлургия комбинати, "Навоийазот", "Қизилқумцемент", "Навоий иссиқлик электр станцияси" акциядорлик жамиятлари ва "Электркимёзавод" қўшма корхонаси шулар жумласидандир. "Навоий" эркин иқтисодий зонасида 18 корхона фаолияти самарали йўлга қўйилган бўлиб, улар томонидан 100 дан ортиқ турдаги рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Навоий вилоятининг меҳнаткаш халқи доимо илғорлар сафидан муносиб ўрин эгаллаб келган, деди Шавкат Мирзиёев. Буни кейинги йилларда вилоятда эришилаётган улкан ютуқ ва марралар мисолида ҳам кўриш мумкин. Вилоятнинг бундай улкан салоҳияти эътиборга олинган ҳолда, энг муҳими, аҳолининг тобора ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш, вилоятда мавжуд ресурс ва имкониятлардан янада самарали фойдаланиш борасида қилинадиган ишлар кўплиги алоҳида таъкидланди.

Сессияда бандлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бунда аҳоли, аввалambor, ёшларни иш билан таъминлаш, замонавий иш ўринлари яратиш давлатимиз, бутун жамиятимизнинг диққат марказида туриши лозим.

Давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида аҳоли мурожаатлари билан ишлашда сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимга ўтиш зарурлиги таъкидланди. Бу борада биринчи навбатда раҳбарлар – бу вазирлик ва идоралар раҳбарлари бўладими, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари бўладими – барчаси ўз зиммасига катта масъулият юклатилганини унутмаслиги лозим.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тавсиясига биноан Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси лавозимида ишлаб келаётган Қобул Турсунов Навоий вилояти ҳокими этиб сайланди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди Навоий вилояти бўлими раиси Нормурод Исоқов, Конимех туманидаги "Канимех тани" газетаси мухбири Хонимгул Норбоева, "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонаси музейи директори Ольга Сашина ва бошқалар Президентимиз нутқида баён этилган фикрлардан зарур хулосалар чиқариб, кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, вилоят аҳли олдида турган долзарб вазифаларни бажариш, ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш учун Навоий вилояти аҳолиси астойдил меҳнат қилади ва кўзланган марраларга албатта эришади, деб таъкидлади.

А.ЎРОЗОВ,
ЎзА махсус мухбири

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сунгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг "Туризм тўғрисида"ги қонуннинг вилоятдаги ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил фаолиятига бағишланган сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги вакиллари, вилоятдаги сайёҳлик фирмалари, меҳмонхоналар раҳбарлари, туристик объектлар масъул ходимлари иштирок этди.

• Янги йил байрами олдидан Жиззах вилояти туман ва шаҳарларида ҳам қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари ташкил этилди. Чунончи, Жиззах шаҳридаги "Эски шаҳар" деҳқон бозори, шаҳарнинг аҳоли гавжум жойларида гўшт, тухум, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари арзон нархларда сотилмоқда.

• Андижонда хотин-қизлар йўналишида фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ишини янада такомиллаштириш масаласига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

ЖАҲОНДА

• Испаниянинг Мадрид шаҳрида янги йил олдидан Қорбоболар кўриги бўлиб ўтди. Унда 10 мингдан ортиқ кўнгилли Қорбоболар 10 километр масофага югуриш мусобақасида қатнашишди. Ушбу тадбирдан тушган маблағ хайрия мақсадларига сарфланади.

• Францияда кимошди савдоларидан бирида динозавр скелетини шахси ошкор қилинишини истамаган номаълум бир харидор 1,1 миллион еврога сотиб олди. 2013 йилда Америка ҳудудидан топилган, узунлиги 8, баландлиги эса 2,5 метр келадиган ушбу скелетнинг бундан 150 миллион йил муқаддам Юра даврида яшаган аллозаврга тегишли экани аниқланган.

ЧЕТ ЭЛЛИК ИНВЕСТОРЛАР БИЛАН АМАЛИЙ МУЛОҚОТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституциямизнинг 24 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида Олий Мажлис Сенати Ташқи сиёсат масалалари қўмитасининг фаолият соҳаси ва ваколатларини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси этиб қайта ташкил этилди. Мамлакатимизга инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш, бу соҳадаги муаммолар, тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш қўмитанинг устувор вазифалари сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати билан ҳамкорликда ўтказилган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Иқтисодиёт ва Адлия вазирликлари, Давлат Солиқ ва Божхона қўмиталари, Марказий банк ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, суғурта компаниялари, мамлакатимизда чет эл инвестициялари иштирокида ташкил этилган корхоналар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда қулай инвестиция муҳити яратилгани, чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорликда кўплаб корхоналар тузилганини қайд этди. Хорижий инвестицияларни янада фаол жалб этиш, тизимдаги кафолатлар ва имтиёзларни кенгайтиришни бугунги замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Президентимиз давлат органларидан халқ билан мулоқот қилиш, одамларни қийнаётган масалаларни ўрганиш, таклифларини инобатга олишни талаб этмоқда. Бу ҳар бир соҳада ўз самараларини бермоқда.

Мазкур давра суҳбати ҳам хорижий ва қўшма корхоналар вакилларининг истакларини эшитиш, мамлакатимиздаги инвестиция муҳитини янада такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилди. Инвесторлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Тадбиркорлар иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этиш ва илғор технологияларни олиб келиш тизимини янада либераллаштириш, рухсат бериш ва стандартлаштириш тартиб-таомилларини соддалаштириш, корхоналар фаолиятини янада рағбатлантириш билан боғлиқ ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди. Инвестицияларнинг ҳимояси ва кафолатларини мустаҳкамлаш, соҳадаги қулайликларнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштиришга оид таклифлар билдирилди.

Севара АЛИЖОНОВА,
ЎзА мухбири

Фармон ва ижро

ҚОНУНИЙЛИК ВА ФИДОЙИЛИК – БОШ МЕЗОН

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш борасида бу тизим ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш орқали қонунбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга эътибор қаратиши зарур. Ходимлар ўртасидаги суиистеъмолчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш бўйича идоравий назоратни кучайтириш, одоб-ахлоқ қоидаларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш, юксак ахлоқий-иродавий ва касб фазилатларига эга, юклатилган вазифалар ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарали бажарилишини таъминлашга қодир бўлган кадрларни танлов асосида ишга қабул қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида "Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишнинг долзарб масалалари" мавзуида ташкил этилган давра суҳбатида шулар ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Б.Матмуродов, Ички ишлар вазирлиги академияси бошлиғи Ш.Икромов ва бошқалар мамлакатимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқ манфаатига хизмат қилаётганини таъкидлади. Бу жараёнда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга доимий эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонуни соҳа фаолиятини янада такомиллаштириш, самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Унда ички ишлар органларининг асосий вазифалари сифатида биринчи бўлиб фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мустаҳкамлангани қонуннинг энг муҳим жиҳатидир. Ички ишлар органлари фаолитининг асосий принципларидан бири сифатида ҳам фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш белгиланган.

Давра суҳбатида соҳага оид қабул қилинган қонун ҳужжатлари моҳияти билан бир қаторда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди. Ушбу идоралар фаолиятида қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган одоб-ахлоқ қоидаларининг ишлаб чиқилганлиги ва ходимларнинг ушбу талабларга оғишмай риоя этишлари шартлигига эътибор қаратилди.

Н.АБДУРАИМОВА



БИРЖА ФАОЛИЯТИДА ТАДБИРКОРЛАР ИШТИРОКИ ОШМОҚДА

Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун "Ўзбекистон товар хом ашё биржаси" акциядорлик жамияти томонидан "Тадбиркорларни биржа товарлари билан таъминлашни кенгайтириш ва уларнинг маҳсулотларини биржа орқали ички ва ташқи бозорларга олиб чиқиш имкониятлари" мавзусида анжуман ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан таъкидланганидек, Ўзбекистонда биржа фаолиятини ривожлантиришда эришилган энг катта ютуқлардан бири бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан моддий-техник ресурслардан эркин фойдаланиш учун тенг шароитларнинг яратилиши ҳисобланади, чунки тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишида аҳамиятли ўринни эгаллайди. Шу ўринда айтиш жоизки, тадбиркорларимиз бир неча йиллар давомида ўз маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларга олиб чиқишда замонавий биржа технологияларидан кенг фойдаланишмоқда.

– Мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад бизнес вакилларини электрон савдоларида иштирок этиш натижалари билан кенг таништиришдан иборат, – дейди жамият матбуот котиби Ҳикматулло Тиллабоев. – Биргина 2016 йил 11 ойлик якунларига кўра, тадбиркорлар биржа орқали 6,5 трлн. сўмлик хом ашё ва материалларни харид қилган, бу 2015 йилнинг шу даврига қиёслаганда 18 фоизга кўпдир.

Бундан ташқари ишбилармонлар бугунги кунда электрон тижоратнинг асосини ташкил этувчи кўргазма-ярмарка савдоларнинг афзалликларидан кенг фойдаланишмоқда. Ярмарка савдолари жаҳон ахборот тармоғига ўтказилганлиги боис уларда сотиладиган товарлар нафақат маҳаллий харидорлар, балки хорижий мижозларни ҳам қамраб олиши мумкин. Бу эса миллий товар ишлаб чиқарувчиларимизнинг экспорт имкониятларини кенгайтиришга кўмак беради.

Анжуманда эътироф этилганидек, мижозлар учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида "ЎзРТХБ" АЖнинг махсус ахборот порталидаги интерактив хизматларнинг функционал имкониятлари кенгайтирилди.

Яна бир янгилик порталда биржа фаолиятини баҳолаш бўйича аноним сўровномалар ҳам ўтказилиши кўзда тутилган. Веб-сайт фойдаланувчилар порталнинг ушбу саҳифасига кириб биржа фаолиятининг камчиликлари бўйича ўзларининг фикрларини аноним тарзда қолдиришлари мумкин. Бундан ташқари "ЎзРТХБ" АЖ раҳбариятининг виртуал қабулхонасида фуқароларни қизиқтираётган саволларни электрон тарзда юборишлари мумкин. Буларнинг барчаси кўрсатилаётган биржа хизматларининг сифатини яхшилаш имконини бермоқда.

Истиқболда биржанинг махсус ахборот порталини модернизациялаш, электрон савдо платформаларини такомиллаштириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш эвазига тадбиркорлар учун янги имкониятларни очиб бериш режалаштирилган.

Тадбир якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

З. ШАРИФЖОНОВ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги Қарорига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Анжуманда мамлакатимиз мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Мустақиллик йилларида миллий армиямиз сафларини тўлдириш тартиби изчил ва босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда.

Бугунги кунда ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксак даражага кўтарилди, армияга ёндашув ва қарашлар бутунлай ўзгарди. Эндиликда армияда хизмат қилиш ҳар бир фуқаро учун алоҳида маъно-мазмунга эга бўлиб, нафақат конституциявий бурч, балки юксак шарафга айланди.

Қуролли Кучларимизда ўтказилаётган бундай ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ҳарбий хизматга фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини ўзлаштирган, интеллектуал салоҳиятли, жисмонан бақувват ва соғлом фуқароларни чақиришдан иборат. Бу миллий армиямизни малакали ва етук кадрлар билан таъминлаш, Қуролли Кучлар салоҳиятини янада ошириш ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

– Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини такомиллаштириш борасида кўрилган чора-тадбирлар Қуролли Кучларни чақирилувчилар билан тўлдиришни сифат жиҳатидан яхшилаш имконини бермоқда, – дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Назиржон Ниёзматов. – Биринчи Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига кўра муддатли ҳарбий хизматга чақирув йилига бир марта амалга оширилмоқда.

Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида чақириш тизими яратилди. 2016 йилнинг май ойида Мудофаа вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳамкорлигида муддатли ҳарбий хизматга чақириш чоғида фуқароларга бир хил шарт-шароит яратиб бериш, ошкоралик ва ижтимоий адолатни таъминлаш, уларнинг билим савияси ва умумжисмоний тайёргарлик даражасини холисона баҳолаш мақсадида "Муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган чақирилувчилар танловини ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низом ишлаб чиқилди.

Тадбирда муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган ёшларнинг соғлиғига бўлган талаблар, тиббий комиссиядан ўтиш тартиби каби масалалар юзасидан ахборот берилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Нурилло НАСРИЕВ

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига

ГЎЗАЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК КУЙЧИСИ

Ёшлар ижод саройида "Камолот"да меҳмон"да лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан "Ҳар бирингиз умрим парчаси" мавзуида онлайн мулоқот ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, адабиётшунос олимлар, таржимонлар, шоирнинг шогирдлари, талабаёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда миллий адабиётни янада ривожлантириш, ижод аҳлини қўллаб-қувватлаш, улар учун қулай ижодий муҳит ва шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг ибратли ҳаёти, бетакрор ижодий мероси миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига, халқимиз маънавиятини юксалтиришга муносиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори изчроси доирасида шоирнинг сермаҳсул ижодини адабиёт ихлосмандлари, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида туркум маънавий-маърифий тадбирлар, анжуманлар ўтказилмоқда.

Тадбирда шоирнинг бадиий юксак шеър ва достонлари, драматик асарларида она юртимиз ва халқимизга, миллий қадриятларимизга меҳр ва садоқат туйғуси маҳорат билан тараннум этилганлиги таъкидланди. Унинг бетакрор ижоди миллий руҳ ва халқчиллиги, ҳаётийлиги билан адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллади.

Онлайн мулоқот давомида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан интернет тармоқлари орқали 300 дан ортиқ савол келиб тушиб, меҳмонлар томонидан уларга жавоб берилди.

АДАБИЙ КЕЧА

Олий ҳарбий божхона институтида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий кеча ўтказилди.

Мустақиллик йилларида миллий маданиятимизни, халқимиз маънавиятини юксалтиришга, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшган таниқли илмфан, адабиёт ва санъат намояндаларининг юбилейларини кенг нишонлаш, уларнинг ижодини ўрганиш ва тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори ҳам атоқли шоирнинг бой ижоди, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятининг яна бир эътирофи бўлди.

Тадбирда Олий ҳарбий божхона институти бошлиғининг биринчи ўринбосари А.Суюнов ва бошқалар Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов ижодий мероси ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда улкан аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Адабий кечада Э.Воҳидовнинг бетакрор ижоди ўзбек адабиёти хазинасидан муносиб ўрин эгаллагани алоҳида қайд этилди.

Шоир ярим асрдан зиёд ижодий фаолияти давомида "Тонг нафаси", "Қўшиғим сизга", "Ақл ва юрак", "Менинг юлдузим", "Ёшлик девони", "Тирик сайёралар", "Шарқий қирғоқ", "Келажакка мактуб" каби шеърий тўпламлари, "Нидо", "Қуёш маскани", "Руҳлар исёни", "Кўҳинур" каби достонлари, "Олтин девор", "Истанбул фожиаси" сингари саҳна асарлари, "Сўз латофати" рисоласи, жаҳон адабиётининг Ҳофиз Шерозий, Мирзо Бедил, Гёте, Сергей Есенин каби намояндалари меросидан қилган таржималари билан ўзига хос ижодий мактаб яратди. Унинг турли жанрдаги ўнлаб асарлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган.

Тадбир сўнгида Олий ҳарбий божхона институти тингловчилари Эркин Воҳидов ижодига мансуб шеърлардан намуналар ўқиди.

(ЎзА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2017 йил 27 январда ўтказиладиган ва тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш (оммавий оферта савдоси) орқали сотиладиган Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, Шарқий томон, 13А-уйда жойлашган, умумий майдони 915 кв.метрга тенг бўлган маъмурий бинонинг қисмини сотиб олишга таклиф этади

Объектнинг бошланғич нархи 2 600 000 000 (икки миллиард олти юз миллион) сўмни ташкил қилади ва уни сотиб олиш шартлари қуйидагилардан иборат:

- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- ушбу "Объект" учун камида 600 000 000 (олти юз миллион) сўм миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
- камида 20 та янги иш ўринларини ташкил этиш;
- харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни энг қисқа муддатларда амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:

- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўланганлиги тўғрисидаги тўлов квитанцияси;

нодавлат юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

жисмоний шахслар учун - паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

елимлаб оғзи ёпилган конвертга солинган, қуйидагиларни ўз ичига олувчи таклифлар:

сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

инвестициявий мажбуриятларнинг таклиф этилаётган суммаси, уларни киритиш шакли, муддати ва шартлари;

талабгорнинг молиявий мустақиллигини ва тегишли тармоққа илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар.

Тақдим этиладиган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланади ва икки нусхада тақдим этилади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш оферта савдоси ўтказиладиган санадан 1 (бир) иш куни аввал соат 16-00да тўхтатилади.

Тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш (оммавий оферта савдоси) 2017 йил 27 январь куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16 "А"-уй манзилида ўтказилади.

Ушбу музокаралар 2017 йил 27 январь куни бўлиб ўтмаган тақдирда, навбатдаги оммавий оферта савдолари 2017 йил 13, 28 февраль, 15, 30 март,14 апрель ва 1 май кунлари ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08, 233-74-72.

"AUTO MEGA TRADE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига:

I. Тошкент шаҳар Бектемир туман СИБ томонидан хатланган, Тошкент шаҳар ИИБ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2015 йил 5 июнь кунидаги: 1-131/2015-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 24 563 160 сўм, 2012 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 60D619EA бўлган, "Матиз" русумли; 2. 2014 йил 14 март кунидаги: 1-30/2014-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 1 990 723,77 сўм, 1980 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 10S513EA бўлган, "ГБА СПГ ГАЗ-24" русумли; 3. 2015 йил 27 март кунидаги: ижро ҳужжатига асосан, бошланғич баҳоси – 2 540 804,76 сўм, 1988 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 10D781GA бўлган, "Москвич 412" русумли; 4. 2015 йил 9 июль кунидаги: 1-161/2015-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 10 185 607,89 сўм, 1998 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 10/199TTA бўлган, "Дамас" русумли; 5. 2013 йил 12 февраль кунидаги: ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 2 085 239,25 сўм, 1991 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 01/823NBA бўлган, "ГБА СПГ Кавз 3271" русумли; 6. 2013 йил 12 февраль кунидаги: ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 1 110 956,76 сўм, 1987 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 01/935TBA бўлган, "ГБА СПГ ГАЗ-5205" русумли; 7. 2014 йил 14 март кунидаги: 1-30/2104-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 2 205 672,3 сўм, 1990 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 10R095EA бўлган, "ГАЗ-24" русумли; 8. 2016 йил 25 апрель кунидаги: 1-243/16-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 30 200 000 сўм, 2013 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 01T027QA бўлган, "Матиз Бест" русумли; 9. 2015 йил 13 июль кунидаги: 1-432/2015-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 17 125 020 сўм, 2012 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 01/823TTB бўлган, "Матиз" русумли; 10. 2015 йил 5 июнь кунидаги: 1-131/2015-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 16 581 264,47 сўм, 2007 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 01D521PA бўлган, "Матиз" русумли техник носоз автотранспорт воситалари тақроран савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2017 йил 11 январь куни соат 11:00 да ўтказилади.

II. Тошкент шаҳар Бектемир туман СИБ томонидан хатланган, Тошкент шаҳар ИИБ жарима майдончасида сақланаётган: 2015 йил 20 август кунидаги: 1-510/2015-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 4 987 013 сўм, 2013 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 01J843SA бўлган, "ВАЗ-2105" русумли техник носоз автотранспорт воситаси савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2017 йил 27 январь куни соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланишидан олдин (аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 11 январь куни ўтказиладиган савдоларига 2017 йил 10 январь соат 16.00 гача, 2017 йил 27 январь куни ўтказиладиган савдоларига эса 2017 йил 25 январь соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "AUTO MEGA TRADE" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000900603278001, МФО: 01101, СТИР: 303877274. Гувоҳнома № 009293. Сайт: www.avtomegatrade.uz

Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 16 "А"-уй. Тел: (0371) 239-29-40.

"Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖда 2016 йил 22 декабрь куни ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Авиашаҳарча, 75-уй манзилида жойлашган, "Orta Osiyo Maxsus Qurilish" давлат бирлашмаси, бошланғич баҳоси – 505 182 000 сўм, сотилиш баҳоси – 525 900 000 сўм. Лицензия: RR-0001.

"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Сергели тумани СИБ томонидан, Фуқаролар ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг 2016 йил 27 июлдаги ижро варақасига асосан хатланган: қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда.

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Чортоқ кўчаси, 69-уйда жойлашган умумий майдони 145,0 кв.м.дан иборат турар жой биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 200 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 13 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2017 йил 11 январь куни соат 16:00.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли Суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги ҳ.р. 2020 8000 4049 2060 9021, МФО 01036, СТИР 207 122 519 га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Авлоний кўчаси, 20-"А" уй. (Тошкент шаҳар Меҳнат бошқармаси 10,11-хона)

Тел./факс: (0371) 253-20-28. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Миробод туман суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент вилояти судининг 20.07.2016 йилдаги 2-418/3-16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чимкент кўчаси, 8-уй, 2-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 76.12 кв.м., 3 хонали турар жой қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 278 815 395 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 25 январь куни соат 12:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 23 январь куни соат 18:00. Кўчмас мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон ф-лдаги: МФО: 01036, СТИР: 207122519, 20208000204920609019 ҳ/р га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризаларни қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй. Тел: (0371) 236-38-28. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

"Best realtor" МЧЖ Тошкент минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога "ASAKA" АТБ Юнусобод филиалининг 2016 йил 16 декабрдаги 3417/22-сонли буюртманомасига асосан "ASAKA" АТБ Юнусобод филиалига тегишли Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, ТХАЙ, Чимкент йўли кўчасида жойлашган, ер участкасининг майдони 885 кв.м., умумий майдони 555,0 кв.м. ва ҳужжатлар бўйича майдони 589,0 кв.м. бўлган банк биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 1 040 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 27 январь куни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Буюртмаларни қабул қилиш ва закалат пули киритилишининг охирги муддати: 2017 йил 25 январь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан "ASAKA" АТБ Юнусобод филиали вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

— Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни (0595) 144-66-55 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

— Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк сотилиш баҳосининг тўлов муддатлари ва бошқа шартлар сотувчи ҳамда харидор ўртасида олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Best realtor" МЧЖнинг АТБ "Kapitalbank" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000500433601001, МФО: 00445. ИНН: 303179580.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун буюртмалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент ш. Бухоро кўчаси, 10-уй, тел/факс: (0595) 144-66-55, сайт: www. emulk. uz. Электрон почта: bestrealtor@inbox.uz Лицензия №RR-0225.

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан ҳафтанинг ҳар шанба куни бошқарма биносида тадбиркорлик субъектларида мавжуд бўлган муаммо ва таклифларни ўрганиб бориш мақсадида "Очиқ эшиклар куни" ташкил этилган.

Тадбиркорларнинг малакали мутахассислар билан мулоқоти бошқарма биносида соат 10.00 дан 13.00 гача бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уйнинг биринчи қавати.

Бошқарма маъмурияти.

Тошкент шаҳри аҳолиси диққатига!

"TOShShAHARNUR" давлат унитар корхонасининг диспетчерлик хизмати Тошкент шаҳри кўча чироқларининг узлуксиз ишлаши тўғрисидаги мурожаатларингизни қабул қилади

Мурожаат учун

Телефон: 230-20-20, 232-20-20

Telegram: +99895 196-20-20

e-mail: nur.2016@mail.uz http://tashgorsvet.uz/questions

Таклифларингизни қуйидаги телефон рақамлари орқали беришингиз мумкин:

250-57-57, 250-71-96, 250-43-08, 250-44-71, 250-77-12

"TOShShAHARNUR" ДУК маъмурияти



СОҒЛОМ ОИЛА, БАХТЛИ АВЛОД — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида Тошкент шаҳрида оила муносабатларини ўрганиш бўйича Ишчи гуруҳнинг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2016 йил 18 майдаги "Тошкент шахрида оила муносабатларини мустаҳкамлаш ва никоҳдан ажратиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда тегишли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини янада кучайтириш тўғрисида"ги 454-сонли қарори ижроси муҳокамасига бағишланди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Обидов, шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, шаҳар бош имом хатиби ўринбосари Р.Раҳмонов, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи А.Ғуломов ва бошқалар ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш оиланинг ижтимоий негизини мустаҳкамлаш, унинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, соғлом, жисмоний баркамол, маънан етук фарзандларни вояга етказишга алоҳида аҳамият берилаётганини таъкидлади.

Икки кун давом этган мазкур йиғилишда Тошкент шаҳар прокуратураси, ички ишлар, адлия, соғлиқни сақлаш бош бошқармалари вакиллари, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар ва туманлараро судлари раислари, туман ҳокимликлари, маҳалла фаоллари, "Камолот" ЁИҲ мутахассислари иштирок этди.

Тадбирда оилавий ажримлар юзасидан мутасадди ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган ишлар, баъзи бир маҳаллаларда ҳали ҳам масаланинг жиддийлигини англаб етилмаётган ҳолатларнинг кўзга ташланиши, йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўлларй таҳлил этилди.

Жумладан, оилавий ажримларнинг олдини олиш, оилаларда соғлом муҳитни барқарорлаштириш, эрта турмуш қуриш ва оилавий низоларни бартараф этиш билан бирга, ўтган даврдаги ишларни чуқур таҳлил қилган ҳолда истиқболдаги вазифалар белгиланиб, ҳамкор ва ҳамжиҳатликда иш олиб бориш чоралари белгиланди.

Шу билан бирга ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш лозимлиги қайд этилди.

– Оила негизини мустаҳкамлаш, маънавий баркамоллигини таъминлашда оила аъзолари ҳар томонлама мукаммал ва баркамол бўлмоғи лозим, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими бош мутахассиси Омила Арипова. – Айниқса қиздир, ўғилдир уларнинг тарбиясида оналарнинг алоҳида ўрни ва вазифаси бор. Агар хонадонда вояга етаётган фарзандларимизга оналик меҳрини меъёрида берсак, одамийлик одобини вақтида ўргата олсак, оиланинг муқаддаслигини ёшлигиданоқ қулоқларига қуйиб борсак жамиятимизда ажралишлар сони камроқ бўларди.

– Оила мўъжаз бир Ватан, жамият ўзаги, авлодлар умр занжирини мустаҳкамловчи, баркамол авлодни дунёга келтириб, уни комил инсон қилиб тарбияловчи муқаддас даргоҳдир, – дейди Яккасарой туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Муҳиба Мирсаидова. – Шундай экан оилавий ажримларнинг олдини олиш, тирик етимлар кўпайишига йўл қўймаслик, фарзандларимизнинг бахтли келажагини ўз оиласида кўришини таъминлаш, ҳар биримизнинг асосий вазифамиздир. Оилавий ришталарнинг мустаҳкамлигини таъминлашда бир ёқадан бош чиқариб иш олиб боришимиз лозим.

Бугунги кунда пойтахтимизда 700 мингдан зиёд оила мавжуд, олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида 2016 йилнинг ўн бир ойида шаҳримизда 1 минг 12 оила ажралишдан сақлаб қолинди. Оилавий ажримларнинг олдини олишда давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари ҳамжиҳатликда иш олиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда оиладаги маънавий муҳит ва ажримларга сабаб бўладиган омилларни таҳлил қилиш, оилаларнинг бузилишига йўл қўймаслик, тирик етимларнинг кўпайишининг олдини олиш борасида пойтахтимизда изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ёшларнинг мол-дунёга ружу қўйиши, оиладаги маънавий негизнинг заифлиги, келин ва куёвнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги, ёш турмуш қуриш оқибатлари, эр ёки хотиннинг зарарли одатларга мойиллиги, қайнона, келин ёки бошқа қариндошларнинг зиддиятли муносабатлари оилавий ажримларнинг кўпайиб боришига сабаб бўлмоқда.

Оила мустаҳкамлигида нуқсонларимиз ҳали кўп, бу учун ҳар бир фуқаро бир ёқадан бош чиқариб ҳамкор ва ҳамжиҳатликда иш олиб бориши жоиз. Зеро, жамиятимизда оиланинг мустаҳкамлиги ва хотиржамлиги, Ватанимиз тинчлигини, тараққиётини ва фаровонлигини таъминлайди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **28 декабрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража илиқ, кундузи — 8-10 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **28 декабрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Реклама ўрнида

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!
Барчангизни янги 2017 йил –
"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"
билан чин кўнгилдан муборакбод этамиз.
Байрам шукуҳи қалбларимизга
сурур, хонадонларимизга
файзу барака ва фаровонлик бахш этсин!



АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ

"1-АВТОБУС САРОЙИ" МАСЪУЛИЯТИ
ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ
ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИНИ

Янги – 2017 йил билан қутлаб, ҳар бир оилага эзгу тилакларини изҳор этади. Яратувчанлик завқи билан яшаётган юртдошларимизга она Ватан тинчлиги, кўнгил ободлиги ва оила бахтиёрлиги ҳамиша ҳамроҳ бўлсин.



"ELEGANT GARMENT TEXTILE" МАСЪУЛИЯТИ
ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни кириб келаётган янги
2017 йил – "Халқ билан мулоқот ва
инсон манфаатлари йили" билан муборакбод этади.
Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги йўлида амалга
ошираётган хайрли ишларингизда омад тилайди!

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9225
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1255
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4637 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 13.50
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ